

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЯЕВА СЕВАРА АНВАРОВНА

ЛИНГВИСТИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИНИ НЕМИС ТИЛИДА ЎҚИТИШДА
СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
по педагогическим наукам**

**Contents of the Abstract of The Doctoral Thesis (DSc)
in Pedagogical Sciences**

Зияева Севара Анваровна

Лингвистик олий таълим муассасалари талабаларини немис тилида
ўқитишда социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш ... 3

Зияева Севара Анваровна

Совершенствование социолингвистической компетенции студентов
языковых высших образовательных учреждений при обучении
немецкому языку 33

Ziyaeva Sevара Anvaronva

Improving the Sociolinguistic Competence of the Students of the Language
Universities in Teaching the German Language 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЯЕВА СЕВАРА АНВАРОВНА

ЛИНГВИСТИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИНИ НЕМИС ТИЛИДА ЎҚИТИШДА
СОЦИОЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.Dsc/Ped44 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ахмедова Лайло Толибжоновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Умарходжаев Мухторхўжа Ишанходжаевич**
филология фанлари доктори, профессор

Йўлдашев Қозоқбой Бойбекович
педагогика фанлари доктори, профессор

Асилова Гулшан Асадовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Ташкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 21-уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (998 71) 230-12-91; e-mail: uzswlu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Ташкент шаҳри, Учтепа тумани, .Кичик халқа йўли, 21-уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (998 71) 230-12-91.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Г.Х. Боқиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор

Х.Б.Самигова
Илмий кенгаш илмий котиби, фил.ф.д., доцент

Д.Р.Джуманова
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., фил.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (DSc)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув даврида шахсий, ижтимоий ва касбий масалаларни самарали ҳал этиш ва демократик жамият қуришда фаол иштирок этиш қобилияти ва фазилатларини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни назарда тутувчи юқори малакали, ўз лавозимига лойиқ, билимдон ва ташаббускор кадрлар тайёрлашнинг илмий ва амалий аҳамияти беқиёсдир. АҚШ, Англия, Германия, Финляндия, Чехия, Шимолий Корея, Россия ва бошқа мамлакатларда чет тилларни ўқитиш методикасининг ижтимоий-лингвистик компетенция замонавий таълим тизимида ахборот технологиялари жадал ривожланиши ва иқтисодий фаолият ҳамда жамиятнинг кундалик ҳаёти соҳасидаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, коммуникантлар нутқида ижтимоий-лингвистик омилларни назарда тутишни илгари суради.

Жаҳонда чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиётида социолингвистик компетенция талабаларнинг чет тилидаги коммуникатив компетентлигининг таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этилиб, уларнинг ижтимоий-коммуникатив контекстга мувофиқ тарзда тил воситаларидан мосини танлашларида ўзларининг билим, кўникма ва маҳоратларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Немис тилини ўқитиш жараёнида лингвистик ОТМлари талабаларининг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришда таълим олувчиларнинг нутқ социолингвистик кўрсаткичларини аниқлаш қобилиятини ривожлантириш ва нутқ ҳолатини мулоқотнинг ижтимоий контекстига мослаштиришга қаратилган ўқув жараёнидаги янги типологик ўқув-лингвистик вазифаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида “2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган таълим ва фанни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатидаги “илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ доирасида “меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш”га² алоҳида эътибор қаратилган. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ушбу иш вербал мулоқотнинг ижтимоий-прагматик ва миллий-маданий ўзига хослиги шароитида немис тилини ўқитишда Ўзбекистон Республикаси лингвистик ОТМ талабаларининг социолингвистик компетенциясини

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ -4947 сонли Фармонида 1-илова. / Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах. – Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

² Ўша ерда.

такомиллаштириш методикасини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва ишлаб чиқишга бағишланган. Диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги талабаларга чет тилларни, хусусан, немис тилини ўқитиш аспектида социолингвистик коммуникация назарияси ва амалиёти муаммоларининг яхши ишлаб чиқилмаганлиги, айниқса, таълим олувчи (немис) ва она (маҳаллий) тиллардаги мамлакатларда социолингвистик қоидаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганилмаганлиги, шунингдек, ижтимоий муҳим маҳсулотларни яратишда ижтимоий масъулият ва ўзини англаш қобилиятига эга касбий малакали кадрларни тайёрлаш зарурияти билан белгиланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1875 ва ПҚ-1971, ПФ-4947-сон 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2013 йил 23 майдаги «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари; 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида; 20 апрель 2017 йилдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»; 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари; 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони; Вазирлар Маҳкамасининг 124, 187, 610-сонли 2013 йилнинг 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги; 2017 йилнинг 6 апрелидаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги; 2017 йилнинг 11 августидаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»; 2019 йил 19 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 606-сон қарорлари ҳамда таълим тизимида қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Талабаларнинг социолингвистик компетенцияга ўргатиш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Pennsylvania (АҚШ), Monterey Institute (АҚШ), Yale University (АҚШ), Oxford University (Англия),

The English language center (Англия), Leipziger Schule (Германия), Johannes Gutenberg-Universität Mainz (Германия), The University Of Eastern Finland (Финляндия), Прага функционал лингвистика мактабида (Чехия), Sogang University (Корея), Санкт-Петербургнинг Европа университети (Россия), Москва функционал социолингвистика мактаби, Пермь социолингвистика мактаби (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон) ва бошқа муассасаларда амалга оширилмоқда.

Талабаларга социолингвистик компетенцияни ўқитиш муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий хулосаларга келинган. Жумладан, тил таркибидаги ўзгаришларни тўғри қабул қилиш лингвистик ҳамжамият ҳақидаги маълумотларни билишга боғлиқлиги ўрганилган (University of Pennsylvania); ижтимоий мақсадларга хизмат қилувчи шарт-шароитлар орқали детерминацияланган динамик коммуникация асослари ишлаб чиқилган (Monterey Institute); инновацион педагогик ва ахборот-компьютер технологияларининг назарий ва методологик базаси яратилган (Yale University); тилнинг ижтимоий минтақавий ривожланиши хусусиятларининг тил маданияти билан боғлиқлиги аниқланган (Oxford University); аутентик муҳитнинг таълимий роли тадқиқ этилган (The English language center); лингвистик география методикаси ишлаб чиқилган (Leipziger Schule); лисоний мулоқат вазиятининг тил ривожланишига таъсири ўрганилган (Johannes Gutenberg-Universität Mainz); ўқитувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш хусусиятлари очиқ берилган (The University Of Eastern Finland); тилни кўп функционал тузилма сифатида ўрганишга бўлган ёндашув аниқланган (Прага функционал лингвистика мактаби); таълимга нисбатан кросс-маданий ёндашув асослари белгиланган (Sogang University); вариацион социолингвистика бўйича курс ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург Европа университети); шахснинг лисоний ижтимоийлашуви механизми аниқланган (Москва функционал социолингвистика мактаби); ижтимоий диалектология қонун-қоидалари асосланган (Пермь социолингвистика мактаби).

Жаҳон тилшунослигида талабаларни социолингвистик компетенцияга ўқитиш муаммоларини ўрганишда қуйидаги йўналишлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда: ўрганилаётган хорижий тилда талабалар социолингвистик компетенциясини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг социолингвистик тайёргарлигини ошириш механизмини такомиллаштириш; социолингвистик компетенцияга ўқитиш жараёнида инновацион педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини қўллашнинг назарий-методологик асослари ишлаб чиқиш бўйича.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Социолингвистик компетенцияни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари М.Кэнейл ва М.Свейна, С.Савиньон, Л.И.Харченкова, Ю.А. Сеница, Л.А. Абдуллаева, Ю.В. Манухина, И.А. Исенко, Н.А. Беленюк, М.Ф. Овчинникова, Л.Ф. Зуева, Ю.А. Трегубова, Т.И. Густомясова, В.Е. Лапина, Е.С. Нечаева, Ю.Л. Пучкова, О.С. Бобрикова, К.Дж. Рискулова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Коммуникатив компетенциянинг социолингвистик компоненти бўйича олиб борилган камсонли тадқиқотларда унинг мақомини аниқлашда икки хил ёндашув мавжуд, яъни унга коммуникатив компетенциянинг автоном, мустақил компоненти³ ёки коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми бўлмиш социомаданий компетенциянинг компоненти сифатида қараш⁴.

Социолингвистик компетенция, лингвометодик муаммо сифатида юқорида тилга олинган муаллифлар ишларида: социолингвистик компетенциянинг пайдо бўлиши, ривожланиш ва замонавий тарзда талқин этилиши жараёни, унинг моҳияти, компонентли таркиби, коммуникатив компетенция таркибидаги ўрни аспектида ўрганилган.

Хусусан, Ю.А.Синицанинг⁵ тадқиқотида нофилологик ОТМ талабаларини чет тилида мулоқот қилишга ўргатиш жараёнида социолингвистик компетенцияни шакллантириш муаммоси ўрганилган, Л.Ф. Зуванинг илмий тадқиқотида⁶ жисмоний тарбия олий таълим муассасасида социолингвистик компетенцияни шакллантириш масалалари ёритилган, Н.А. Беленюкнинг илмий ишида⁷ техник олий таълим муассасасидаги қуйи босқич талабаларини инглиз тилида оғзаки мулоқотга ўргатиш жараёнида социолингвистик компетенциянинг шакллантирилиши хусусиятлари очиб берилган, К.Ж.Рискулова⁸ истиқболдаги инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш тизимини такомиллаштириш усулларини тадқиқ этган, И.А.Исенко⁹ томонидан педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг оғзаки чет (испан) тилидаги мулоқотида социолингвистик компетенцияни шакллантириш

³ Canale M., Swain M. Указ. соч.; Savignon S. Указ. соч.; Widdowson H.G. Context, Community and Authentic Language. // TESOL Quarterly, Vol. 32, № 4, 1998. – P. 705-716; Синица Ю.А. Указ. соч.; Манухина Ю.В. Указ. соч.; Овчинникова М.Ф. Указ. соч.; Горина Н.С. К вопросу о сущности социолингвистической компетенции. // Теория и практика общественного развития, № 2, 2012. – С. 157-159; и др.

⁴ Сафонова В.В. Социокультурный подход к обучению иностранному языку как специальности: Дисс. ...докт. пед. наук. – М., 1992. – 528 с.; [Сафонова, 1992; Воробьев В.В. Лингвокультурология (Теория и методы). – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дисс. ...докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 52 с.; Бим И.Л. Модернизация структуры и содержания школьного языкового образования (ИЯ) // Иностранные языки в школе, № 8, 2005. – С. 4-6.; Дагбаева Н.Ж., Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистической компетенции на начальном этапе языкового вуза. // Вестник науки ТГУ, № 1 (8), 2012. – С. 103-105; Зайцева С.В. Исследование методики формирования социолингвистического компонента коммуникативной компетенции при обучении английскому языку студентов неязыковых вузов. // Вестник Московской международной академии, 2012. – С. 21-28; Захарова К.А. Комплекс методических средств для формирования социолингвистической компетенции бакалавров. // Известия ВГПУ, № 9 (122), 2017. – С. 11-14; и др.

⁵ Синица Ю.А. Формирование социолингвистической компетенции в процессе обучения устному иноязычному общению студентов неязыковых вузов (в контексте национальной культуры Франции): Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2000. – 25 с.

⁶ Зуева Л.Ф. Формирование социолингвистической компетенции студентов вузов физической культуры: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Малаховка, 2002. – 24 с.

⁷ Беленюк Н.А. Формирование социолингвистической компетенции студентов младших курсов технического вуза в процессе обучения устному общению (английский язык, базовый курс): Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Томск, 2008. – 22 с.

⁸ Рискулова К.Ж. Рискулова К.Ж. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Пед. фанл. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 62 б.

⁹ Исенко И.А. Методика формирования социолингвистической компетенции в устном иноязычном общении студентов языковых факультетов педагогических вузов (на материале испанского языка): Дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2007. – 337 с.

методикаси ишлаб чиқилган. Ю.В.Манухина¹⁰ ўз тадқиқотида социолингвистик компетенцияни нутқ одоби қоидаларини ўзлаштириш жараёнида шакллантирган, Л.И.Харченкова¹¹ эса талабаларга чет тилини ўқитишда социолингвистик омилни ҳисобга олиш муҳимлигини асослаб берган бўлса, М.Ф.Овчинникова¹² умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда социолингвистик компетенция (социолингвистик билим, малака, кўникма, фаолиятга муносабати)ни шакллантиришнинг лингводидактик моделини очиб берган.

Умуман олганда, социолингвистик компетенцияни шакллантириш муаммолари нофилологик олий таълим муассасалари талабалари учун, асосан, инглиз, француз ва испан тиллари материали асосида тадқиқ этилган. Бироқ лингвистик ОТМ талабаларини чет (немис) тилидаги коммуникатив компетенциясини социолингвистик ёндашув асосида такомиллаштириш масаласи кам ўрганилганича қолмоқда.

Шундай қилиб, қатор тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, лингвистик ОТМ талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенцияни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоси илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган, бу, ўз навбатида, унинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада такомиллаштирилиши заруриятини талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» йўналиши бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади лингвистик ОТМлари талабаларининг самарали, назарий асосланган ва тажрибада текширилган социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш, методикасини илмий асослаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- чет тилидаги коммуникатив компетенция таркибини таҳлил қилиш ва тавсифлаш, унинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш;
- социолингвистик компетенция тушунчаси ва замонавий тилшунослик ва лингводидактикада уни ўрганиш аспектларини аниқлаш;
- ОТМларида чет тилини ўқитишда социолингвистик компетенцияни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнига доир мавжуд илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва умумлаштириш;

¹⁰ Манухина Ю.В. Формирование социолингвистической компетенции в процессе овладения формулами речевого этикета: Дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2006. – 268 с.

¹¹ Харченкова Л.И. Этнокультурные и социолингвистические факторы в обучении русскому языку как иностранному: Дисс. ...докт. пед. наук. – Санкт-Петербург, 1997. – 350 с.

¹² Овчинникова М.Ф. Методика формирования социолингвистической компетенции учащихся общеобразовательной школы: английский язык, филологический профиль: Дисс. ...канд. пед. наук. – Улан-Удэ, 2008. – 206 с.

- лингвистик ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш тамойилларини таҳлил этиш ва тавсифлаш;

- немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган қийинчилик ва хатоликлар типологиясини аниқлаштириш;

- социолингвистик ёндашув асосида лингвистик ОТМлари талабаларининг чет (немис) тили коммуникатив компетенциясини такомиллаштириш методикасини назарий асослаш;

- лингвистик ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича ўқув-лисоний топшириқлар типологиясини ишлаб чиқиш ва тавсифлаш;

- лингвистик ОТМлари талабаларида социолингвистик коммуникатив компетенциянинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- лингвистик ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик коммуникатив компетенцияни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини тажрибада текшириш.

Тадқиқотнинг объекти лингвистик олий таълим муассасаларининг немис тилини ўрганаётган 3-4-босқич талабалари социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети лингвистик ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик коммуникатив компетенцияни такомиллаштириш методлари ва воситаларидир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотнинг мақсади ва белгиланган вазифаларига эришишда қуйидаги методлардан фойдаланилди: тажриба орқали ўзлаштирилган маълумотларни тўплаш методи (дастурий ва ўқув-методик хужжатлар таҳлили, ОТМларида чет тилларни ўқитиш бўйича педагогик тажрибани умумлаштириш, кузатиш); лингвистик таърифлаш методи (социолектлар ва нутқий портретнинг лисоний хусусиятларини очиб бериш), лингвомаданий таҳлил методи (немис ва ўзбек халқлари мулоқотидаги доминант (устувор) жиҳатларни аниқлаштириш), лойиҳалаш ва моделлаштириш методи (социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш), педагогик тажриба методи (тасдиқловчи кесим ва тажрибавий таълимни ўтказиш), статистик таҳлил методи (педагогик тажриба натижаларини статистик қайта ишлаб чиқиш).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

социолингвистик компетенция назарияси талабаларнинг немис ҳамжамияти турли ижтимоий диалекти вакилларининг аксарияти учун хос бўлган лингвистик, психологик, миллий-маданий, геронтологик, гендер, ижтимоий тавсифлар мужассамланган нутқий портретини аниқлаш асосида ривожлантирилган;

социолингвистик компетенцияга ўқитиш мазмуни социолект ташувчилари нутқий портретини аниқлаш ва кейинчалик ижтимоий тўғри

нутқий хатти-ҳаракатни шакллантириш кўникма ва малакалари асосида такомиллаштирилган;

талабаларда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича унинг компонентларини босқичма-босқич ўргатишга асосланган ўқув-лисоний вазифалар мажмуи тавсия этилган;

филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни махсус атамалар ва ижтимоий маркерланган тил бирликларини ўзлаштириш босқичлари; социолингвистик таҳлил; ижтимоий тўғри нутқий хатти-ҳаракатни шакллантириш асосида такомиллаштириш модели таклиф қилинган;

социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг назорат ва диагностика воситалари ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари мажмуи асосида мақбуллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

немис тилини ўрганаётган лингвистик ОТМлари талабаларининг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришда инновацион-педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистонликлар мулоқотидаги доминант хусусиятлардан фарқ қилувчи ва филолог-талабалар томонидан немис тилидаги нутқий ҳолат моделининг танланишига алоҳида таъсир кўрсатувчи немислар мулоқотидаги доминант белгилар аниқланди;

филолог-талабаларнинг немис тилидаги социолингвистик компетенциясининг ижтимоий жихатдан тўғри нутқий ҳолатини намоён этиш орқали такомиллаштириш социолект ташувчиларининг нутқий портрети бўйича таний олиш малака ва кўникмаларига асосланиши кераклиги исботланган;

филолог-талабаларнинг немис тилидаги социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришда асосий таълим бирлиги сифатида тан олинган нутқий портретнинг социолингвистик индикаторларини комплекс таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг илмий базаси, методологияси ва тадқиқот методикаси, янги муаммоларнинг илгари сурилиши, янгича вазифаларнинг ҳал этилишида ишончли манбаларга таянилганлиги ҳамда олиб борилган тадқиқот натижаларининг диссертациянинг назарий хулосаларига мувофиқлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг **илмий аҳамияти** ўзга тилдаги коммуникатив компетенция таркибининг таҳлил қилиниши ва тавсифланиши билан белгиланади; “социолингвистик компетенция” тушунчасининг таърифи ва унинг замонавий тилшунослик билан лингводидактикадаги ўрганиш аспекти; лингвистик ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда уларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш тамойилларини таърифлаш, лисоний ОТМлари талабаларинининг хорижий (немис) тилдаги коммуникатив компетенциясини социолингвистик ёндашув асосида такомиллаштириш методикасини назарий асослаш; лингвистик

ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик коммуникатив компетенциясини такомиллаштириш бўйича ўқув-лисоний топшириқларнинг янги типологиясини ишлаб чиқиш ва тавсифлаш; лингвистик ОТМлари талабалари социолингвистик коммуникатив компетенциясининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқот натижалари ва материалларидан ОТМларининг ўқув жараёнида немис тилшунослиги, социолингвистика, лингвокультурология, чет тилларни ўқитиш методикаси бўйича маъруза ва семинар машғулоти, махсус курслар ишлаб чиқиш ва ўтказишда, диссертация тадқиқоти ишлари, монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, махсус луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

немис ҳамжамиятининг аксарият вакиллари хос лингвистик, психологик, миллий-маданий, геронтологик, гендер, ижтимоий хусусиятлари каби турли ижтимоий диалект вакиллари нутқий портретини англашда ўқувчилар қобилияти сифатида социолингвистик компетенция назариясини ривожлантириш бўйича хулоса ва тавсиялардан Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга бағишлаб, ГФРдаги Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси билан ҳамкорликда Бонн Deutsch-Uzbekische Gesellschaft e.V жамияти ва Бонн шаҳри Мэрияси томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (2019 йил 13 февралдаги Deutsch-Uzbekische Gesellschaft e.V маълумотномаси); шунингдек, 2018 йилнинг август, сентябрь, октябрь ойларида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Фан”, “Таълим” радио дастурлари эшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston-24» телерадиоканалининг 2019 йилнинг 10 январдаги 03-09-26-сонли маълумотномаси). Натижада эшиттиришларнинг мазмуни ижтимоий-лисоний меъёрлар, хушмуомалалик ва нутқий этикетга оид тавсиялар билан бойитилган;

социолингвистик компетенцияга ўқитиш мазмунини социолект ташувчилари нутқий портретини аниқлаш ва кейинчалик ижтимоий тўғри нутқий хатти-ҳаракатни шакллантириш кўникма ва малакалари асосида такомиллаштириш бўйича таклиф, тавсия ва хулосалар ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» деб номланган фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 мартдаги 89-03-1183-сонли гувоҳномаси). Натижада, хулоса ва тавсиялар лойиҳа доирасида электрон ресурслар, типографик дарсликлар, назарий ва амалий материаллар тайёрлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди;

талабаларда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича унинг компонентларини босқичма-босқич ўргатишга асосланган ўқув-лисоний вазифалар комплекси, социолингвистик термин ва ибораларнинг

таҳлили, социативларнинг маданиятлараро коммуникациядаги роли ҳақидаги хулосалар 2015-2017 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди амалга оширилган А-1-209 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» лойиҳасига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 мартдаги 89-03-1183-сонли гувоҳномаси). Натижада, электрон-ресурс ва типографик дарсликлар мазмуни бойитилган;

“Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили)” йўналиши талабалари учун “Чет тилларни Европа стандартлари асосида ўқитишнинг лингвистик жиҳатлари” ўқув модули дастурига социологик компетенцияни махсус атамалар ва ижтимоий маркерланган тил бирликларини ўзлаштириш босқичлари; социолингвистик таҳлил; ижтимоий тўғри нутқий хатти-ҳаракатни шакллантириш асосида такомиллаштириш модели ҳақидаги илмий материаллар киритилди (ЎзДЖТУ қошидаги чет тилларини ўқитишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш Республика илмий-амалий марказининг 2019 йил 4 апрелдаги 10-06/36-сонли маълумотномаси). Натижада профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курси мазмуни методик тавсиялар билан бойитилган;

социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг назорат ва диагностика воситалари ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари мажмуи асосида ривожлантириш ҳақида тадқиқот хулоса ва материаллари “Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили)” йўналиши талабаларини ўқитиш жараёнида қўлланилган (ЎзДЖТУ қошидаги чет тилларини ўқитишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш Республика илмий-амалий марказининг 2019 йил 4 апрелдаги 10-06/36-сонли маълумотномаси). Натижада, тадқиқотнинг хулоса ва материаллари асосида немис тилини ўқитиш методикаси, ёндашув ва педагогик технологиялар, ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш методлари ва фидбек механизмлари, умумий тилшунослик фанлари бўйича маъруза курслари, семинар машғулотлари ўқитилиши такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациядаги асосий мулоҳаза, натижа ва тавсиялар ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари ва докторантларининг ҳар йилги илмий-назарий анжуманларида ҳамда 10 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 317 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги очиб берилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот методлари ҳамда ундаги илмий янгилик, назарий ва илмий аҳамияти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг юртимиз ва хориждаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги баҳоланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилганлиги, апробациядан ўтганлиги ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг таркиби ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чет тилларни ўқитишда ОТМлари талабаларида социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг назарий-методик асослари**» деб номланган биринчи бобида коммуникатив компетенция муамолари мутахассислар касбий фаолиятининг мақсадли таркибий қисмини ташкил қилувчиси сифатида очиб берилган, социолингвистик компетенциянинг мақомини аниқлашдаги асосий ёндашувлар ўрганилган, чет тилини ўқитишда лингвистик ОТМлари талабалари социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришнинг лингвометодик асослари аниқланган.

Коммуникатив компетенция – бу она тили ёки ўрганилаётган тилдаги билимлар, малака, кўникмалардан нутқ фаолиятида коммуникатив мақсадлар ва коммуникатив контекстга мувофиқ равишда фойдаланиш демакдир. Коммуникатив компетенция берилган контекстда самарали мулоқот қилишни таъминловчи компетенциялар йиғиндиси ҳисобланади. «Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш»га кўра, компетенциянинг таркибий қисmlарини ташкил қилувчилари сифатида уч компонент, яъни лингвистик, социолингвистик ва прагматик коммуникатив компетенцияларни ўзаро бирлаштириш мақсадга мувофиқ: улар биргаликда ўқувчиларнинг тилдан амалий жихатдан турли соҳалар ва мулоқот вазиятларида коммуникатив мақсадларга мос равишда фойдаланиш қобилиятини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган»¹³. Чет тилларни ўқитишда коммуникатив компетенция «ўқитиш жараёнининг мақсадли доминантаси»¹⁴ ҳисобланади.

¹³ Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. // Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment – Страсбург; М.: Совет Европы, Департамент по языковой политике; Московский государственный лингвистический университет, 2001-2003. – С. 12.

¹⁴ Захарова К.А. Комплекс методических средств для формирования социолингвистической компетенции бакалавров. // Известия ВГПУ, № 9 (122), 2017. – С. 13.

Шундай қилиб, коммуникатив компетенция у ёки бу контекстда самарали мулоқотни таъминлашга қаратилган компетенциялар йиғиндиси сифатида индивиднинг касбий қобилияти билан бирга, профессионал фаолиятининг ҳам самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги талабалар коммуникатив компетенциясида *социолингвистик компетенция* деб ном олган социолингвистик компонентни ҳам ажратишни тақозо этади. Социолингвистик компетенция илмий-методик адабиётларда икки йўналишда ўрганилган:

1) социолингвистик компетенция лингвистик ва прагматик компетенциялар билан биргаликда, коммуникатив компетенциянинг алоҳида мустақил компонентиدير. Социолингвистик компетенция коммуникатив компетенциянинг мустақил таркибий қисми сифатида тил шакллариининг билиш, малака ва кўникмаларидан фойдаланиш ва уларни ўзгартиришда мулоқот вазиятлари, коммуникатив вазифалар, мавзулар, мулоқот ўрни, сўзлашувчиларнинг ижтимоий ролларидан келиб чиқиш тушунилади;

2) социолингвистик компетенция социомаданий компетенциянинг компоненти сифатида, коммуникатив компетенциянинг таркибий ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай талқинда социолингвистик компетенция турли авлодлар, жинс, ижтимоий гуруҳ ва шеваларга хос ижтимоий қатлам вакилларининг лисоний хусусиятлари сифатида тавсифланади.

Фикримизча, социолингвистик компетенция коммуникатив акт шароитлари, яъни «мазкур лисоний ҳамжамият риоя қиладиган ижтимоий қоидалар тўплами»¹⁵га мувофиқ равишда тил воситаларини танлаш қобилияти сифатида тушунилади, уни социомаданий компетенцияга киритмасдан, балки коммуникатив компетенциянинг автоном (мустақил) компоненти сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Социолингвистик компетенция социомаданий компетенция билан туташ нуқтага эга, зеро, бу «ўз нутқий маданиятининг шаклланишига сабаб бўлади, субъектга миллий нутқ хусусиятларини нафақат нутқий этикетнинг ўзига хос жиҳатлари, балки шунга мувофиқ новербал воситаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда воситаларни танлашга ёрдам беради»¹⁶. Социолингвистик ва социомаданий компетенцияларни шакллантиришда иккита умуман турлича бўлган мақсад кўзланади. Шундай қилиб, масалан, социолингвистик компетенцияни шакллантиришда у ёки бу тил воситаларини қўллашнинг ижтимоий вазиятга боғлиқлиги асосий ўрганиш ва ўзлаштириш предмети бўлиб қолади, айти пайтда, социомаданий компетенция сўзловчилардан тил ташувчиларнинг ижтимоий ва нутқий ҳолатидаги миллий-маданий хусусиятлардан тўғри фойдаланиши бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни тақозо этади.

¹⁵ Нечаева Е.С. Методика формирования социолингвистической компетенции студентов языковых факультетов педагогических вузов на основе социофонетического компонента (на материале английского языка): Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – М., 2010. – С. 8.

¹⁶ Ломакина О.Е., Маргус Т.И. Теоретическая модель понятия «иноязычная социолингвистическая компетенция». // Вестник ТГУ, Вып. 4 (44), 2006. – С. 478.

Филолог-талабаларнинг ўз нутқини ва нутқий вазиятини мулоқотнинг ижтимоий контекстига мувофиқ равишда кўришни тақозо этувчи кўникма ва малакаларини автоматлаштириш – лингвометодик муаммо сифатида намоён бўлувчи социолингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришида асосий мақсад ҳисобланади. Бу тадқиқ этилаётган компетенциянинг мазмуни ва компонентларини аниқлаш, уни баҳолаш ва шаклландириш даражаси кўрсаткичлари мезонларини ишлаб чиқиш, дастурий-методик таъминотни яратиш, талабалардаги социолингвистик қобилиятни самарали шакллантиришнинг методик хулосалари ва моделларини ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳал этиш билан белгиланади.

Диссертациянинг **«Социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш мазмуни: нутқий вазият – нутқий портрет – социативлар»** деб номланган иккинчи бобида социолингвистик омилларнинг ижтимоий тўғри нутқий ҳолатини шакллантиришдаги роли ўрганиб чиқилган, социолектлар ва нутқий портрет ўртасидаги ўзаро боғланиш тилдан ижтимоий контекстда фойдаланишнинг ўзига хослиги призмаси орқали асосланган, немис ва ўзбеклар мулоқотидаги доминант хусусиятлар тадқиқ этилган.

Филолог-талабаларнинг социолингвистик компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришда, назаримизда, инсоннинг нутқий ҳолати – ижтимоий жиҳатдан белгиланган ҳодиса, бу сўзловчининг нутқий портретини шакллантиради, деган мазмундаги хулоса асосий ҳисобланади. Нутқий вазият деганда, маълум фикр ва ҳолатни «ифодалашда у ёки бу тил ва нутқ воситаларининг онгли ёки онгсиз танланган тўплами»¹⁷ни тушуниш лозим.

Нутқий ҳолат турли ижтимоий муҳитда бир хилда шаклланмайди, шунинг учун филолог-талабалардан ... «ҳам лисоний меъёрларни, ҳам ижтимоий ўзаро ҳамкорлик қоидаларини ўз ичига олган ижтимоийлашган мулоқот меъёрлари мажмуи»ни билиш ва эгаллаш талаб этилади, улар «маданиятлараро коммуникация давомида шахснинг тўғри нутқий портретини яратишга ёрдам беради»¹⁸. Бу, айниқса, она тилида бир хил бўлмаган муҳитда мулоқот қилиш ёки ҳар қандай вазиятда чет тилида мулоқот қилишнинг индивидга болалигидан сингдириладиган ягона лингвистик коди мавжуд эмаслиги туфайли англанади.

Референциал муносабатлар жиҳатидан бир мазмунни ифодалашнинг мавжуд турли шакллари бир хил эмас, бу уларнинг қўлланишидаги семантик, синтактик, матнли шартлари билан изоҳланади. Мазмуннинг бир лисоний ифодаси сўзловчининг коммуникатив интенцияларига мувофиқ равишда танланиши керак.

¹⁷ Журавлева Т.П. Речевое поведение субъектов состояния одиночества (на материале текстов немецкой художественной литературы). // Вестник Челябинского государственного университета, Вып. 90. Филология. Искусствоведение, № 10 (339), 2014. – С. 64.

¹⁸ Бабушкина Е.А. Речевой портрет личности: фонетические характеристики. // Вестник Бурятского государственного университета, № 11, 2012. – С. 11.

Юқорида таъкидланган филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда мулоқот қилувчилар ўртасида ижтимоий муносабатлар ўрнатилганида, нутқ мазмунини ифодалашнинг бир варианты ишлатилишини, ўрнатиб бўлинган муносабатларда эса коммуникантлар ўртасидаги масофа, уларнинг ижтимоий роллари, танишганлик даражаси ва бошқаларга қараб умуман бошқа вариантлардан фойдаланиш мумкинлигини билишга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Коммуникациянинг вербал ва новербал воситалари икки хил мулоқот воситаларининг бирлашган ҳолатини ташкил этишига талабалар диққатини қаратиш зарур. Коммуникациянинг паралингвистик актлари кўпинча, лексик бирликлар воситасида вербаллашишга мойил бўлади.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ОТМларида немис тилини ўрганаётган филолог-талабалар олдида улар томонидан немис тилидан керакли вазиятларда фойдаланганда нутқий ҳолатнинг ижтимоий тўғрилиги муаммоси юзага келади. Бирор-бир тил воситасининг вариант сифатида танланишига таъсир қилувчи ижтимоий омилларни билиш ва ҳисобга олиш, умуман олганда, фикримизча, мулоқотнинг турли ижтимоий вазиятга боғлиқ шароитларида немис тилида ижтимоий тўғрилланган коммуникатив актни бажаришга ёрдам беради.

Немис тилини ўрганаётган филолог-талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришда муайян ижтимоий контекстдаги коммуникацияда конкрет вербал ва новербал ифода воситалари (нутқ одоби, нутқнинг интонацион параметрлари, ижтимоий маркерланган лексика ва ҳ.к. дискурсли маркерлари)ни танлашни тақозо этувчи биологик (физиологик) ва ижтимоий омилларнинг нутқий вазиятга таъсир қилишидан келиб чиқишни таклиф этамиз, бу эса социолект вакилларининг нутқий портретини яратади.

Нутқий портрет деганда, «персонажнинг билвосита социолектик ва идеолектик характеристикасини яратувчи нутқий ҳолатдаги лексик, грамматик, фонетик хусусиятлар йиғиндиси тушунилади»¹⁹. Нутқий портрет – филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги ўқитиш предмети сифатида «нутқда мужассам топган лисоний шахс, у бошқа шахслар билан бирга бир ижтимоий (миллий, демографик, профессионал ва ҳ.к.) жамоага бирлашган»²⁰, бундай жамоа ўзида индивидуал ва жамоавий хусусиятларни ҳамда лингвистик, психологик, этномаданий, ёш ва жинсга оид, шунингдек, ижтимоий характеристикаларни ўз ичига олади.

Нутқий (лисоний) портрет социолингвистик характерга эга, зеро, унда жамиятнинг муайян ижтимоий қатламларига хос типик хусусиятлар намоён бўлади ва, шу боис, тилшуносликка оид адабиётларда бу кўпроқ социолингвистик портрет деб ҳам номланмоқда. Қайси ижтимоий гуруҳларга

¹⁹ Гафарова А.С. Речевой портрет: социолингвистические характеристики: Автореф. дисс. ...канд. фил. наук. – Тверь, 2006. – С. 9.

²⁰ Бабушкина Е.А. Речевой портрет личности: фонетические характеристики. // Вестник Бурятского государственного университета, № 11, 2012. – С. 11.

хос типик белгилар аниқланишига қараб, тил (шева) ташувчиларининг социолингвистик портретлари фарқланади: шаҳар содда тилининг социолингвистик портрети, зиёлилар социолингвистик портретлари, педагогнинг социолингвистик портрети, талабанинг социолингвистик портрети, сиёсатчининг социолингвистик портрети, бизнесменнинг социолингвистик портрети, муддатдан ташқари хизматни ўтовчи харбийнинг социолингвистик портрети, мактаб ўқувчисининг социолингвистик портрети ва ҳ.к.

Немис тилини ўрганаётган ва истиқболдаги ўқитувчи ёки устоз бўлишни режалаштираётган филолог-талабалар олдида педагог-филологнинг намунавий нутқий портрети асосларини эгаллаш ва бундан ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида муваффақиятли тарзда фойдаланиш мақсадидек глобал вазифа туради. Бироқ намунали педагог-филологнинг намунавий нутқий портретига эга бўлиш нафақат келгусида ўзининг профессионал фаолиятида ундан муваффақият билан фойдаланиш, балки немис тили она тили саналган тил соҳиблари билан мулоқот қилиш учун ҳам етарли эмас, чунки кишининг мулоқот қилиши унинг касби билан чекланмайди, аксинча, иш жараёнида педагогнинг кўпинча бошқа касб ва турли ижтимоий қатлам вакиллари билан алоқа қилишига ва турли мавзуларда суҳбат қуришига тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, филолог-талабалардан, истиқболдаги педагоглардан, турли социолект вакиллари билан мулоқот қилишга тўғри келадиган нутқий портрет ташувчилари характеристикаларини тушуниб олишни талаб этади.

Шундай қилиб, биз филолог-талабаларнинг, шу жумладан, немис тилини ўрганаётган ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш ижтимоий контекстда тилдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида уларнинг нутқий портрети орқали социолект ташувчиларнинг тан олиш қобилиятлари ва маҳоратлари таълими орқали амалга оширилиши кераклигини яна бир бор таъкидлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий нутқ актлари «мазкур халқ вакилларининг барча ёки кўпгина коммуникатив вазиятларда мулоқотнинг доминант миллий хусусиятларини акс эттиради»²¹, бу, ўз навбатида, филолог-талабалар томонидан коммуникатив компетенциянинг ижтимоий компонентини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Бунда социолингвистик ва социомаданий компетенцияларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги намоён бўлади. Немислар мулоқотидаги доминант хусусиятлар Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқлар мулоқотидаги доминант белгилардан тубдан фарқ қилади. Мисол учун, немислар мулоқотидаги доминант хусусиятлар ўз ҳудуди (шахсий макони, вақти, фикрлари, туйғулари, билимлари)ни ҳимоя қилишга интилишдан иборат: «Немислар ўз ҳудудларини ҳимоя қилиш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Бунда бегона ҳудуднинг дахлсизлиги ҳам улар учун

²¹ Трофимова Н.А. Штрихи к портретам социативных речевых актов // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена, Т. 8, № 34, 2007. – С. 73-74.

муҳим, шунинг учун мулоқот пайтида немислар босиқ, вазмин бўладилар, кам хабардорликларини намоён этадилар, ўз машғулотларига бевосита алоқаси бўлмаган саволларга «билмадим» деб жавоб берадилар. Немис лингвомаданий жамоасида бошқаларнинг ишларига аралашиб, нотанишларга илтимослар билан мурожаат қилиш қабул қилинмаган»²².

Ўзбекистон халқи эса, аксинча, сермулоқот ва суҳбатдошига эътиборли, иззат-икромли, меҳмондўст, бунда ҳатто нотанишлар билан қўл бериб саломлашиб, айрим вазиятларда эса ўпишиб ҳам мумкин ҳисобланади. Кўпинча, уларга нотаниш одам савол ёки илтимос билан мурожаат қилса, маҳаллий кишилар хайрихоҳлик билан жавоб беришга ҳаракат қилишади, жавобини билмаганларида кечирим сўраб, нотанишга ёрдам бериш мақсадида ўзлари нотанишни қизиқтираётган савол билан бошқаларга мурожаат қилишлари мумкин. Муаммонинг ҳал қилинишига ишонч ҳосил қилишмагунча савол билан мурожаат қилган нотанишни безътибор қолдириб кетишмайди. Табиийки, немислар билан ўзбеклар мулоқотидаги доминант хусусиятларидаги бундай тафовутлар филолог-талабалар томонидан немис тилидаги ушбу миллат вакилларига қаратилган нутқ қурилишида, албатта, ҳисобга олиниши керак.

Диссертациянинг «**Филологик олий таълим муассасаларида немис тилини ўқитишда талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришнинг ҳозирги ҳолати**» деб аталган учинчи бобида ДТС, дастур ва дарсликларнинг тадқиқ этилаётган аспектдаги таҳлили келтирилган, лингвистик ОТМлар талабаларига немис тилини ўқитишда уларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш тамойиллари тавсифланган.

Ўқувчиларнинг чет тиллар бўйича билими ва тайёргарлик даражасини аниқловчи «Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими Давлат таълим стандарти. Битирувчиларнинг чет тиллар бўйича тайёргарлик даражасига нисбатан талаблар»²³ да (кейин: ДТС), ОТМларининг тил факультетлари бакалавриати битирувчиларидан «Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш»²⁴ нинг С1 даражасида чет тилини эгаллаш тақозо этилади, бу чет тилини профессионал бошланғич даражада эгаллаганликни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ДТСига мувофиқ, коммуникатив компетенция лингвистик компетенция (тил аспектларини билиш ва нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникма ва малакаларини эгаллаш), социолингвистик компетенция (вазият ва сўзловчининг

²² Газизов Р.А. Максима такта в аспекте лингвистической вежливости (на материале немецкого языка). // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 2. Языкознание, № 2 (12), 2010. – С. 103.

²³ Государственный образовательный стандарт системы непрерывного образования Республики Узбекистан. – Требования к уровню подготовленности выпускников всех ступеней образования по иностранным языкам. // Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 мая 2013 г., № 124.

²⁴ Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. // Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment – Страсбург; М.: Совет Европы, Департамент по языковой политике; Московский государственный лингвистический университет, 2001-2003.

коммуникатив мақсад ва ниятларига мувофиқ лисоний шакл ва ифода воситаларини вазиятга мослаб тўғри танлаш малака ва кўникмаларини ҳамда тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий хусусиятларига мос), прагматик компетенция (коммуникатив вазият ва стратегиясининг ривожланиши ҳамда умуман олганда мулоқот дискурсига мувофиқ равишда чет тилида мулоқот қила олиш қобилияти)ни ўз ичига олади.

Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг лингвистик факультетлари бакалаврларига чет тилларни С1 миқёсда ўқитиш мазмуни чет тилдаги коммуникатив компетенциянинг шунга мос компонентларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган. С1 миқёсидаги чет тилидаги нутқнинг предметли мазмуни: 1) кундалик ҳаётга оид тематика (парҳез, болалар тарбияси ва ҳ.к.); 2) ижтимоий тематика (тиббиёт, фан ва технологиялардаги этика, ёшлар ва қонун, жамият масъулияти); 3) социомаданий тематика (аккультурация, маданий шок, ижтимоий тафовутлар, маданий ўхшашликни сақлаб қолиш, маданиятлараро вазиятларда хулқ-атвор, материални тайёрлашда эҳтиёткорликка риоя қилиш); 4) касбга йўналтирилган тематика (лингвистика и социолингвистика муаммолари, тил ўқитиш, тил ўрганиш ва ҳ.к.) тарзида берилган.

ДТСда чет тили бўйича битирувчиларни тайёрлаш даражасига нисбатан лингвистик компетенция, хусусан, нутқий компетенция (тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш) ва лисоний компетенция (фонологик компетенция, лексик компетенция, грамматик компетенция)ларни шакллантириш бўйича талаблар белгиланган. Бироқ лингвистик компетенция бўйича қатор дескрипторлар (can do), улар мазмуни таҳлилининг кўрсатишича, социолингвистик ва прагматик компетенциялар билан чамбарчас боғлиқ. ДТСга мувофиқ, социолингвистик компетенцияга ўқитишни таълимнинг узвийлиги, изчиллиги ва даврийлигини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш назарда тутилган.

Умуман, ДТСда социолингвистик компетенция нутқ хусусиятларининг социолингвистик жиҳатдан шартланганлиги тушунчаси, яъни саломлашиш, мурожаат усуллари, нутқ одоби меъёрлари, коммуникациянинг новербал воситалари асосида шаллантирилади, бу эса ўқувчилардан мулоқот вазияти, ижтимоий-коммуникатив контекст, мулоқот регистри, коммуникация иштирокчилари, уларнинг ролли, профессионал, ижтимоий мақомлари, худудий мансублик, нутқдаги предметли шароит ва ҳ.к. каби социолингвистик параметрларни билишни тақозо этади.

Меъёрий ва ўқув-методик адабиётлар таҳлили натижаларининг кўрсатишича, афсуски, немис тилини ўқитиш бўйича ОТМдаги талабаларда немис тилидаги социолингвистик компетенциясини ўқитишда уни ҳам шакллантириш, ҳам ривожлантириш ва такомиллаштиришга кам эътибор қаратилган. Немис тили бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларда кўпроқ коммуникатив-вазиятли топшириқлар берилган, бироқ улар социолингвистик характердаги топшириқлар, хусусан, талабаларда нутқни шакллантиришдаги ўзаро боғлиқликларини коммуникантларнинг физиологик индивидуал белгилари билан бирга таҳлил қилиш билим,

кўникма ва малакаларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, вазиятга оид ўзгарувчи, сўзловчиларнинг профессионал мансублиги ва уларнинг ижтимоий ролларига оидлиги билан ҳам тўлдирилган бўлиши мумкин эди.

Умуман, таъкидлаб ўтиш жоизки, диссертант таҳлил қилган давлат стандарти илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўқув-методик комплекслар немис тилини мутахассислик тили сифатида ўқитиш жиҳатидан эътирозларни келтириб чиқармайди. Биз таъкидлаган танқидий муоҳазаларни ҳисобга олиш ўқувчиларда социолингвистик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда такомиллаштиришга қаратилганлиги жиҳатидан уларнинг янада такомиллашувига ёрдам беради.

ОТМ филология факультетлари талабаларига немис тилидаги социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришга ўргатиш мажмуи турли методистлар томонидан турлича аниқланадиган умумдидактик ва хусусий методик тамойилларга асосланади. Қайсидир тамойилнинг ўқувчилардаги социолингвистик компетенциясини шакллантиришда асос қилиб олиниши ўқитиш мақсадлари билан белгиланган. Диссертант бу жиҳатдан Н.Ж. Дагбаева ва М.Ф. Овчинниковалар фикрига қўшилади, улар ўқувчиларнинг социолингвистик компетенцияси шакллантирилганда намоён бўлувчи чет тилига ўқитишнинг умумметодик тамойилларининг алоҳида социолингвистик мазмунга эга эканлигини таъкидлайдилар²⁵. Масалан, ОТМ филология факультетлари талабаларини немис тилига ўқитишда социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш, коммуникативлик тамойили мулоқотнинг аутентик ва муаммоли вазиятларни яратишда, талабаларнинг ижодий-креатив фаолиятини фаоллаштиришда, ҳамкорлик кўникмаларини сингдиришга йўналтирилган жамоавий ишлаши ташкил қилинганда, немис тилидаги грамматик шакллар ва конструкцияларни функционал ёндашув орқали ўрганишда намоён бўлади, тизимлилик тамойили эса социолингвистик компетенция компонентларининг ўзаро тизимли алоқаларини очиб беришдан иборатдир.

Социолингвистик мазмунни ифодалаш воситаларини уларнинг функционал юкламаси призмаси орқали мулоқотнинг турли регистрларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан уларнинг ижтимоий маркерланганлигини, яъни функционаллик тамойилини ҳисобга олиб ўрганиш филология факультетлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенциянинг такомиллаштирилишига ёрдам беради. Ўқув материални вазиятли-тематик жиҳатдан тақдим этиш тамойили тил қўлланишининг социолингвистик табиати азалдан вазиятли эканлигидан далолат беради, яъни у фақат у ёки бу ижтимоий-коммуникатив вазиятларда намоён бўлади.

Барча умумий дидактик ва хусусий методик тамойиллар худди ана шундай социолингвистик мазмун билан тўлдирилган, муаллиф томонидан

²⁵ Дагбаева Н.Ж., Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистической компетенции на начальном этапе языкового вуза. // Вестник науки ТГУ, № 1 (8), 2012. – С. 103.

ишлаб чиқилган немис тилини ўрганаётган филолог-талабалардаги социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг таълим тизими ҳам шунга асосланади.

Диссертациянинг «**Филологик олий таълим муассасаларида немис тилини ўқитишда талабалар социолингвистик компетенциясини инновацион-педагогик ва ахборот-компьютер технологиялари асосида такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида лисоний ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришда инновацион-педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини қўллашнинг илмий-назарий асослари баён этилган, филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича ўқув-лисоний топшириқлар мажмуи ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Лингвистик ОТМлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришда инновацион-педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллашдан кўзланадиган асосий мақсад – интерактив методлар ва электрон дастурий маҳсулотлар ёрдамида турли ижтимоий–коммуникатив вазиятларда тил ташувчиларнинг нутқий хулқ-атворини тўғри аниқлаш қобилиятини автоматизм даражасигача етказиш ва коммуникатив мақсад ва ниятларни амалга ошириш учун ўринли ва мос мулоқот усулини танлашдан иборат. Инновацион–педагогик (ўқиш ва ёзиш асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси, муаммоли ва лойиҳавий ўқитиш технологиялари ва б.) ва немис тилида социолингвистик компетенцияга ўргатишда ахборот–коммуникатив технологиялар ахборотнинг йирик қисмини самарали ихчамлаштириш ва уни аудиовизуал, аутентик шаклда ва шу билан бирга, ўрганилаётган ижтимоий-коммуникатив вазиятларни реал лисоний муҳитга максимал равишда яқинлаштиришга ёрдам берган ҳолда тақдим этиш имконини беради.

Лингвистик ОТМлари филология факультетлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришга ўргатилганда инновацион-педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини фаол қўллаш мумкин ва зарурдир. Бу ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги учун қулай шароит яратгани ҳолда аудиовизуал ўқув материалининг аутентиклиги ҳисобига социолингвистик билимларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлади, қисқа вақт ичида исталган натижаларга тез ва осон эришиш имконини беради.

Социолингвистик билим, кўникма ва малакаларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларда уларни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар асосида ўз нутқи ва, демак, ўзининг нутқий хулқ-атворини яратиш кўникма ва малакасини автоматлаштиришга йўналтирилган нутқ вазияти, шунингдек, ўз нутқий ҳолатининг ижтимоий-коммуникатив контекстига мувофиқ махсус топшириқ ва машқлар тизими ишлаб чиқилган. Немис тилини ўқитишда талаба-филологларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришнинг диссертант томонидан тақлиф этилаётган методика

асосида ўқув-лисоний топшириқ ва машқлар типологияси қамраб олинган, шунга кўра биз уларни: 1) коммуникациядан олдинги (лисоний, нутқдан аввалги) социолингвистик характердаги топшириқ ва машқлар; 2) коммуникатив (нутқий) социолингвистик характердаги топшириқ ва машқларга ажратдик.

Социолингвистик характердаги коммуникациядан олдинги топшириқ ва машқлар, назаримизда, социолингвистик билимларнинг шаклланиши ва ривожланишига, шунингдек, материални социолингвистик таҳлил қилиш кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга ёрдам бериши зарур. Масалан: Lesen Sie den Text. Bestimmen Sie durch die Rede der Gesprächspartner den Formalitätsgrad der Situation.

“Das ist die einzige Möglichkeit,“, sagte er. “Zu so später Stunde werden Sie nirgendwo ein Einzelzimmer bekommen. Es steht Ihnen natürlich frei, in anderen Hotels nachzufragen. Aber ich kann Ihnen schon jetzt sagen, dass wir, wenn Sie ergebnislos zurückkommen, nicht mehr in der Lage sein werden, Ihnen zu dienen. Denn das freie Bett in dem Doppelzimmer, das Sie – ich weiß nicht aus welchen Gründen – nicht nehmen wollen, wird dann auch einen Müden gefunden haben,“.

“Gut,“, sagte Schwamm, „ich werde das Bett nehmen. Nur, wie Sie vielleicht verstehen werden, möchte ich wissen, mit wem ich das Zimmer zu teilen habe; nicht aus Vorsicht, gewiss nicht, denn ich habe nichts zu fürchten. Ist mein Partner - Leute, mit denen man eine Nacht verbringt, könnte man doch fast Partner nennen – schon da? [40].

Коммуникатив топшириқ ва машқлар коммуникатив–вазиятли контекстни социолингвистик таҳлил маълумотлари асосида ижтимоий тўғри нутқий мулоқот ўрнатиш имконини беради. Масалан:

1. Sie haben ein Interview mit einem Arbeitgeber in einem renommierten Beratungsunternehmen. Sie müssen sich auf Deutsch vorstellen. Wie werden Sie sprechen, wenn der Arbeitgeber:

- ein erfahrener zugelassener Geschäftsmann im Alter ist;
- ein erfahrener, aber nicht zugelassener Geschäftsmann im Alter ist;
- junger zugelassener Geschäftsmann ist;
- eine junge zugelassene Geschäftsfrau ist.

Wie präsentieren Sie Ihr Material bei jeder der aufgeführten Veranstaltungen?

2. Sie sind hochqualifizierter Lehrer in einer ländlichen Gesamtschule. Sie wurden in das regionale Verwaltung der Schulausbildung eingeladen, um am Runden Tisch die dringenden Probleme des Fremdsprachenunterrichts zu diskutieren. Sie müssen im Plenum sprechen und in der Sektion ein persönliches Gespräch mit dem zuständigen Abteilungsleiter führen, mit Kollegen aus anderen Schulen während der Kaffeepause sprechen. Welche Informationen über die Adressaten sollten Sie zuerst erlernen, damit Ihre Rede relevant und effektiv sein kann?

Немис тилини ўрганаётган филолог-талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш бўйича топшириқ ва машқлар тизими учун материаллар танлови: долзарблик, вазифавийлик, ахборот учун

белгиланганлик, коммуникативлик, тушунарлилик, мотивацион имкониятларга эгалик, хилма-хиллик, вазиятлилик, қизиқарлилик, тарбиявий аҳамиятга эгалик ва муаммолилик каби белгиларига қараб танлаб олинди. Табиийки, санаб ўтилган белгилар аутентик матнларда ўзининг тўлақонли аксини топади. Аутентик матнлар ўрганилаётган ижтимоий-коммуникатив вазиятларни максимал равишда реал тил муҳитига яқинлаштириш имконини беради ва йирик дидактик, ривожлантириш салоҳиятига ҳам эга.

Диссертант томонидан лингвистик олий таълим муассасалари талабаларининг немис тилидаги социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш алгоритми ишлаб чиқилди, унинг остида биз ижтимоий тўғри коммуникатив ҳодисани амалга ошириш мақсадида суҳбатдошлар нутқий муомаласини социолингвистик таҳлил қилиш усул ва йўллари билан ўқувчилар томонидан онгли равишда босқичма-босқич эгалланишига қаратилган ўзаро боғланган хатти-ҳаракатлар изчиллигини тушунамиз (қаранг: 1-жадвал).

Диссертант томонидан ишлаб чиқилган социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш алгоритми уч босқичдан иборат. Дастлабки икки босқич социолингвистик характердаги коммуникациянинг олдинги топшириқ ва машқларига асосланади, учинчи босқич эса социолингвистик характердаги коммуникатив топшириқ ва машқлар асосида ташкил этилади:

1. Танишиш босқичи – асосий социолингвистик ҳодиса ва тушунчаларни ўзлаштириш, социолингвистик терминология ва ижтимоий маркерланган тил бирликлари тизимини ўрганиш.

2. Машқ қилиш босқичи – социолингвистик таҳлил кўникма ва малакаларини эгаллаш.

3. Нутқий амалиёт–ижтимоий тўғирланган нутқий ҳолатни коммуникатив акт кечишининг вазиятли шароитлари, ижтимоий вазият учун танланган ижтимоий роль, ижтимоий мақом, берилган ижтимоий муҳитда қабул қилинган нутқий ҳолат меъёрларига мувофиқ равишда намоён этишдир.

Филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни шакллантиришнинг биринчи босқичи асосий социолингвистик тушунчалар ва уларни ифодаладиган терминлар билан танишишни тақозо этади, ўқувчилар улардан кейинги социолингвистик таҳлил давомида фойдаланадилар. Бу босқичда лексик, фразеологик, фонетик, морфологик-синтактик миқёсларида тил бирликларининг семантикасидаги ижтимоий компонентлар ҳақида тасаввурлар шаклланади.

**Лингвистик олий таълим муассасалари талабаларини немис тилида
ўқитишда социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш
алгоритми**

Келгусида ижтимоий тўғри коммуникатив ҳодисани куриш мақсадида суҳбатдошлар нутқий муомаласи социолингвистик таҳлилининг усул ва йўлларини таълим олувчилар томонидан онгли, босқичма-босқич эгалланишига йўналтирилган ўзаро алоқадор ҳаракатлар изчиллиги						
1-босқич		2-босқич			3-босқич	
Танишув босқичи		Машқий босқич			Нутқий амалиёт	
Социолингвистик характердаги коммуникациядан олдинги топшириқ ва машқларга асосланади					Социолингвистик характердаги коммуникатив топшириқ ва машқлар асосида қурилади	
Таянч социолингвистик ҳолат ва тушунчаларни эгаллаш, социолингвистик терминология ҳамда тил бирликларининг ижтимоий белгиланган тизимини ўрганиш		социолингвистик таҳлил кўникма ва малакаларини эгаллаш			Мавжуд ижтимоий муҳитда қабул қилинган аниқ ижтимоий ҳолат, ижтимоий мавқе, нутқий муомала меъёрларида ижтимоий роль орқали танланган коммуникатив ходиса содир бўлишининг вазиятли шарт-шароитларига мувофиқ ижтимоий тўғри нутқий муомала қуриш	
Социолингвистик таҳлил жараёнида таълим олувчилар фойдаланишлари мумкин бўлган асосий социолингвистик тушунча ва уларни англлатувчи терминлар билан танишиш	Лексик, фразеологик, фонетик, морфологик-синтактик даражаларда тил бирликлари семантикасида ижтимоий компонентлар борасида тасаввурни шакллантириш	сўзловчининг нутқий портретини таҳлил қилиш социолингвистик кўникма ва малакаларини ишлаб чиқиш				
		сўзловчининг ижтимоий-физиологик тавсифи	мулоқотнинг социолингвистик ўзгарувчан вазиятлари	ижтимоий мавқеи	нутқининг социолингвистик индикаторлари	сўзловчининг ижтимоий роли
	Ўз нутқий муомаласини суҳбатдошнинг ҳам ижтимоий-физиологик ва мавқе-ролли тавсифини, ҳам коммуникатив ходиса рўй беришининг вазиятли шароитини инобатга олган ҳолда амалга ошириш					
					Мавжуд ижтимоий муҳитда қабул қилинган нутқий муомалага риоя қилиш кўникмаларини такомиллаштириш	
Жами ягона мақсадга – талабалар томонидан социолингвистик қобилятни изчил эгаллашга эришишга ёрдам беради						

Филолог-талабаларга таълимнинг биринчи босқичида лисоний материал билан танишишнинг социолингвистик тушунчалари ва терминларини ўзлаштириш ҳамда тил иерархиясининг барча миқёсидаги социолингвистик индикаторлар ҳақидаги билимларини шакллантириш тақозо этилади.

Социолингвистик компетенцияга ўргатишнинг иккинчи босқичида филолог-талабаларда социолингвистик таҳлил қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсади кўзланади. Мазкур таълим босқичи сўзловчининг нутқий портретини, яъни айнан 1) сўзловчининг ижтимоий-физиологик характеристикасини; 2) мулоқот вазиятининг социолингвистик ўзгарувчиларини; 3) ижтимоий мақом; 4) нутқнинг социолингвистик индикаторларини; 5) сўзловчининг ижтимоий ролини таҳлил қилишдек социолингвистик кўникма ва малакаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Социолингвистик компетенцияга ўргатишнинг учинчи босқичида талабаларга ўзлаштирган социолингвистик билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш назарда тутилган. Бунда агар машқ қилиш босқичида асосий эътибор сўзловчининг нутқий портретини социолингвистик таҳлил қилиш кўникма ва малакалари шакллантирилишига қаратилса, нутқий амалиёт босқичида ўзининг нутқий ҳолатини суҳбатдошининг ҳам ижтимоий-физиологик ва мақомли-ролли характеристикаларини ҳамда коммуникатив акт кечишининг вазиятли шароитларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишига асосий диққат-эътибор қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, социолингвистик компетенцияга ўргатишнинг жорий босқичида талабалар мазкур ижтимоий муҳитда қабул қилинган нутқий ҳолат меъёрларига риоя қилиш кўникмаларини ривожлантирадилар ва такомиллаштирадилар.

Кўриб турганимиздек, социолингвистик компетенцияга ўргатиш босқичлари ўз функциялари ва мазмунига кўра фарқ қилади, лекин уларнинг барчаси биргаликда ягона мақсадга эришишга – талабаларнинг социолингвистик қобилиятларга изчил равишда эга бўлишига ёрдам беради.

Диссертациянинг **«Филологик олий таълим муассасаларида немис тилини ўқитишда талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш методикаси апробацияси»** номли бешинчи бобида лингвистик ОТМларининг немис тилини ўрганаётган талабаларида социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича тажрибавий таълимнинг мақсади ва уни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш масалалари аниқланган, унинг натижалари таҳлил қилинган, методик тавсиялар келтирилган.

Немис тилини ўрганаётган талабаларда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш бўйича тажрибавий таълим уч босқичда ўтказилди. Тажрибавий таълимнинг биринчи, тайёрлов-изланиш босқичида, филология факультети талабаларининг немис тилидаги социолингвистик компетенцияни эгаллаганлик даражаларини аниқлаш мақсадида тасдиқловчи кесим ўтказилди, ушбу тажрибага мувофиқ мақсад ва вазифаларни белгилаш ҳамда социолингвистик ўқув-лисоний материални танлаб олиш имкони берилди.

Берилган матнларнинг социолингвистик таҳлили жараёнида талабалар лисоний шахснинг ижтимоий-физиологик характеристикасини, мулоқот вазиятининг социолингвистик ўзгарувчиларини, сўзловчи лисоний шахсининг ижтимоий образини аслидагидек яратиш, унинг нутқий портретидаги социолингвистик чизгиларни, унинг нутқий ҳолати моделини белгиловчи ижтимоий омилларни аниқлаб очиб беришлари керак бўлади. Социолингвистик таҳлил қилиш кўникма ва малакаларининг етарли даражада шаклланмагани ва ривожлантирилмагани сўзловчи нутқий портретининг нотўғри социолингвистик талқин қилинишига, унинг ижтимоий образини нотўғри қабул қилинишига ва, шунингдек, немис тилида ижтимоий тўғри нутқий хулқ-атворни яратишда ноадекват тарзда стратегияни режалаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Урганч давлат университетининг 149 талаба-информантдан матни социолингвистик таҳлил қилиш бўйича берилган барча топшириқларни ҳеч ким тўғри бажара олмаган. Лекин умумий миқдор (149) нинг 52,3%ини ташкил этувчилардан тасдиқловчи кесимда иштирок этган 78 талаба-информант социолингвистик билимлари мавжудлигини намоён эта олган, хусусан, таҳлил қилинаётган матндаги социолингвистик маркерларни у ёки бу даражада кўрсатиб бера олган. Қолган 47,7% филолог-талабаларда ижтимоий бўёқдор тил шаклини ижтимоий-коммуникатив контекстга боғлиқ тарзда қўллашда муаммолар борлиги аниқланган. (2-жадвалга қаранг).

2 - жадвал

Тасдиқловчи кесим натижалари

Баллар		Аъло	Яхши	Қоник.	Қон.сиз	Жами
Талабалар						
ЎзДЖТУ	сонларда	-	5	8	15	28
	%		3,3	5,4	10,1	18,8
ЎзМУ	сонларда	-	11	14	14	39
	%		7,4	9,4	9,4	26,2
СамДЧТИ	сонларда	-	9	11	20	40
	%		6	7,4	13,4	26,8
УрДУ	сонларда	-	8	12	22	42
	в %		5,4	8	14,8	28,2
Жами	сонларда	-	33	45	71	149
	%		22,1	30,2	47,7	100
			52,3			

Энг кўп хато таҳлил қилинаётган у ёки бу социумдаги коммуникантларнинг ўзаро ижтимоий ва нутқий ҳамкорлигидаги меъёрлар аниқланганида, суҳбатдошнинг ижтимоий роли, унинг ижтимоий образи баҳоланганда, унинг нутқий портрети таҳлил қилинганда, унинг нутқий ҳолати хатти-ҳаракатларидаги ниқоби социолингвистик нутқ индикаторлари

орқали аниқлангани маълум бўлди. Немис тилини ўрганаётган талабалар учун тил бирликлари семантикасидаги ижтимоий компонентларни аниқлаштириш жиддий қийинчилик туғдиради, улар ижтимоий маркерланган лексиканинг ижтимоий компонентлари, социативлар ва паремийларидан фарқли ўлароқ, у ёки бу социолектда, нейтрал, ижтимоий бўёқдор бўлмаган тил бирликларининг лексик, фразеологик, фонетик, морфологик-синтактик миқёсларида пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, ўз навбатида, ижтимоий–коммуникатив контекстга боғлиқ ҳолда ижтимоий бўялган тил шаклини тўғри танлашда қийинчиликларни юзага келтиради.

Ўрганилаётган муаммонинг ечимини икки асосий параметрда намоён бўлишини кўрамиз:

1. Шунга ишончимиз комилки, нутқдаги социолингвистик индикаторларни танишга алоҳида ижтимоий бўялган лисоний фактларни ўрганиш эмас, балки ўқитувчи танлаган матнли ўқув материалдаги социолингвистик ўзига хосликларни комплекс таҳлил қилиш орқали муваффақиятли ўргатиш мумкин. Бу эса яна бир бор немис жамиятидаги турли социумларининг социомаданий қадриятларни акс эттирувчи яхлит аутентик матнларни танлаш ва тақдим этиш мақсадга мувофиқлигини асослайди.

2. Немис тилига ўқитишнинг бутун курси давомида барча машғулотларда лексик, фразеологик, фонетик, морфологик-синтактик миқёслардаги тил бирликлари семантикасидаги ижтимоий компонентлар бўйича нутқнинг социолингвистик индикаторларини танишни ўргатишга алоҳида эътибор бериш кераклигини тўғри деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олиб, муаллиф социолингвистик компетенция барча тил фанлари бўйича ҳар бир машғулотда ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши керак ва, шунга мувофиқ, ўқув-лисоний социолингвистик материал немис тилининг барча лисоний ва нутқий мавзулари, барча бўлимлари ўрганилганда тақдим этилиши керак, деган қараш тарафдоридир.

Иккинчи босқичда назорат ва тажриба гуруҳларида тажрибавий таълим ўтказилди. Машғулотлари анъанавий усулда ўтказилган назорат гуруҳларидан фарқли равишда тажриба гуруҳларида талабалар биз ишлаб чиққан социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг инновацион-педагогик ва компьютер технологияларини қўллашга асосланган янги методика бўйича ўқитилди.

Тажрибавий таълимнинг учинчи, ҳал қилувчи босқичида, якуний кесим ўтказилди. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги якуний кесим натижаларининг таҳлили тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги талабаларникидан юқорилигини кўрсатди (3-жадвалга қаранг), бу муаллиф ишлаб чиққан ОТМ филологик факультетлари талабаларига немис тилини ўқитишда социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш методикаси самарали эканлигидан далолат беради.

Назорат ва тажриба гуруҳларидаги якуний кесим натижалари

Баллар галабалар сони		Аъло		Яхши		Қон.ли.		Қон.сиз.		Жами	
		НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ
ЎзДЖТУ	сонларда	-	2	2	4	4	6	4	6	10	18
	%	-	2,5	2,9	5	5,8	7,5	5,8	7,5	14,5	22,5
ЎзМУ	сонларда	1	3	4	5	5	6	8	7	18	21
	%	1,5	3,75	5,8	6,25	7,2	7,5	11,6	8,75	26,1	26,25
СамДЧТИ	сонларда	1	2	5	4	6	8	8	6	20	20
	%	1,5	2,5	7,2	5	8,7	10	11,6	7,5	29	25
УрДУ	сонларда	-	4	4	6	8	5	9	6	21	21
	%		5	5,8	7,5	11,6	6,25	13	7,5	30,4	26,25
Жами	сонларда	2	11	15	19	23	25	29	25	69	80
	%	3	13,75	21,7	23,75	33,3	31,25	42	31,25	100	100
		КГ – 58; ЭГ – 68,75									


НГ – назорат гуруҳлари; ТГ – тажриба гуруҳлари.

Назорат якуний кесим натижалари тажриба гуруҳларидаги тасдиқловчи кесим натижалари билан қиёсланганда, тақлиф этилган мақсадли ўқитиш методикасидан кейин социолингвистик таҳлил кўникма ва малакаларининг эгалланганлик даражаси тажриба гуруҳларида 16,5%га, назорат гуруҳларида эса 5,7%га ошган [қаранг: 2- ва 3-жадваллар]. Тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш динамикасини тасдиқловчи кесим натижалари билан қиёслаш динамикаси қуйидаги диаграммада келтирилган [қаранг: қуйидаги диаграмма].

Юқорида айтилганлардан немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларда социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш тизими самарали эканлиги ва ўзини оқлаганлигини кўриш мумкин. Тажриба гуруҳидаги талабалар назорат ишларини бажараётганида билимдонлиги ва социолингвистик қобилиятлиги жиҳатидан юқори даражада эканлиги намоён бўлди. Уларнинг жавоблари тўлиқ ва асосли эканлиги уларга тақлиф этилган немис тилини ўрганаётган филолог-талабалардаги социолингвистик компетенцияни такомиллаштирувчи топшириқ ва машқлар типологиясининг илмий асосланганлиги, социолингвистик таълим материали тизимли тарзда танлангани ва етказилганлигидан далолат беради.

Диаграмма

Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларида социолингвистик компетенцияни такомиллаштиришнинг тасдиқловчи кесим натижалари билан қиёсланганлик динамикаси



Ишлаб чиқилган топшириқ ва машқлар иерархик, изчил, ўзаро бир-бири билан боғлиқ тарзда берилган ва бу нутқнинг социолингвистик таҳлилидаги барча ўзига хосликлар (нозикликлар) спектрини қамраб олган.

Шундай қилиб, немис тилини ўрганаётган ОТМлари филология факультетлари талабаларининг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш бўйича муаллиф ишлаб чиққан топшириқ ва машқлар тизими ўрганилаётган компетенциянинг барча таркибий қисмларини эгаллаш даражасининг ошишига ёрдам беради, уларнинг социолингвистик билимларини кенгайтиради ва тизимлаштиради, улардаги профессионал маҳорат ва ижодий салоҳиятни ривожлантиради. Бунда яна анъанавий ва инновацион-педагогик ҳамда ахборот технологияларини бирга қўллаш ўзига хос ижобий аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

1. Немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш мақсадида таълим бериш, уни шакллантириш ва ривожлантириш моҳиятан фарқ қилади, зеро, такомиллаштириш босқичида индивидга мажбуран берилувчи мавжуд ижтимоий муҳит ва шаклланиб қолган ижтимоий-коммуникатив контекст нутқий ҳолат шаклини социолингвистик компетенция – социолингвистик парадигманинг муайян компонентларини жамлашни актуаллаштириш таълимнинг энг асосий вазифаси сифатида намоён бўлади.

2. Сўзловчилардан тил ва нутқдаги миллий-маданий хусусиятларни билишни тақозо этувчи социомаданий компетенциядан фарқли равишда социолингвистик компетенция ижтимоий ахборотнинг турли лисоний маркерларини қўллаш хусусиятларини, яъни суҳбатдошларнинг ролли муносабатлари, уларнинг ижтимоий мақоми, улар орасидаги ижтимоий-психологик масофа ва ҳ.к.ни ўрганиш ва эгаллашга қаратилган.

3. Немис тилини ўрганаётган ОТМлари филология факультетлари талабаларининг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришда

немис тилини ижтимоий контекстда самарали қўллаш қобилияти немислар мулоқотидаги доминант (устувор) хусусиятлар ҳақидаги шаклланган билимлар негизда ривожлантирилиши ва ўрнида амалий татбиқ қилиниши мумкин.

4. Немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳати тилни ижтимоий контекстда қўллашнинг нозик жиҳатлари мажмуи сифатида намоён бўлувчи социолект ташувчиларидаги нутқий портретига қараб таний олиш ҳамда ижтимоий тўғри нутқий ҳолатни ташкиллаштириш малака ва кўникмаларини филолог-педагогнинг намунавий нутқий портретини ҳисобга олган ҳолда эгаллашдан иборат.

5. Филолог-талабалар ўзларининг нутқий ҳолатларида шаклланиб бўлган ҳам ижтимоий-коммуникатив контекстга, ҳам педагог образига мувофиқ келувчи тил бирликлари вариантларини танлаб олишни ўрганиб олишлари керак, бу эса филолог-педагогнинг намунавий нутқий портрети асосларини ўзининг истиқболдаги касбий фаолиятида муваффақиятли қўллаш мақсадида эгаллаганларида мумкин бўлиши эҳтимол.

6. Филолог-талабалар томонидан вазиятга боғланган нутқий ҳолатда тил шаклини танлашнинг сабаб-оқибатли алоқаларини аниқлаш асосида турли мулоқот вазиятларида сўзловчиларнинг нутқий вазиятига таъсир этувчи ижтимоий омиллар ётади, уларни ўқитишнинг лингвометодик мақсадларига кўра миллий-маданий, ижтимоий-вазиятли ва физиологик-руҳий турларга бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

7. Немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш турли социолект вакилларининг нутқий портретини лисоний шахсда мужассам этган индивидуал ва жамоавий хусусиятлари ва унинг лингвистик, психологик, этномаданий, ёши, жинси, мазкур ҳамжамият вакилларининг кўпчилигига хос (типик) бўлган ижтимоий характеристикаларига кўра тўғри аниқлашни ўргатишга йўналтирилган.

8. Немис тилини ўрганаётган филолог-талабаларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш сўзловчининг нутқий ҳолатини, лисоний шахснинг ҳам ички характеристикаси, ҳам нутқ яратишнинг ташқи шарт-шароитларини билиш ва англашни тақозо этади, улар биргаликда лисоний шахснинг ижтимоий образини яратади, унинг динамиклиги эса қандай мақсадлар кўзланаётгани ва қандай нутқий ҳолатга мос хатти-харакатлар амалга оширилаётгани билан боғлиқдир.

9. Талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришнинг диссертант ишлаб чиққан таълим тизими алоҳида социолингвистик мазмун билан бойитилган ва инновацион-педагогик ва ахборот-коммуникатив технологияларни қўллаш орқали социолингвистик билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган умумдидактик ва хусусий методик тамойилларга асосланган. Энг сўнгилари катта ҳажмдаги ахборотни самарали ихчамлаштириб, уни аудиовизуал, аутентик шаклда етказиш имконини беради, шу билан ўрганилаётган ижтимоий-коммуникатив

вазиятларни реал тил муҳитига максимал равишда яқинлаштиришга ёрдам беради.

10. Немис тилини ўрганаётган филолог-талабалар социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш бўйича топшириқ ва машқлар: 1) лисоний шахсининг ижтимоий-физиологик характеристикалари; 2) мулоқот вазиятидаги социолингвистик ўзгарувчанлик; 3) коммуникант лисоний шахсининг ижтимоий образи; 4) сўзловчининг нутқий, социолингвистик портрети; 5) индивиднинг нутқий ҳолати моделини белгиловчи ижтимоий омиллари таҳлил этилишини тақозо этади.

11. Топшириқ ва машқларда истиқболдаги филологлар сифатида талабалар томонидан немис тилидаги ёзма ва оғзаки нутқнинг ижтимоий маркерланган элементларинигина эмас, балки социолингвистик таҳлилнинг терминологик инвентарларини ҳам қабул қила олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини эгаллашни, социолингвистик бирликларнинг ўзаро тизимли боғлиқлигини англашни ҳам назарда тутади.

12. Тил бирликлари семантикасидаги лексик, фразеологик, фонетик, морфологик-синтактик миқёсдаги ижтимоий компонентларига қараб, немис тилини ўқитишнинг бутун курси давомида барча машғулотларда ўқитувчи танлаб олган немис жамиятидаги турли социумларнинг социомаданий қадриятларини акс эттирувчи аутентик матнлардаги социолингвистик ҳолатларни комплекс таҳлил қилиш социолингвистик нутқ индикаторларини муваффақиятли равишда таний олиш имконини беради.

13. Шундай қилиб, биз ишлаб чиққан ОТМлари филология факультетларида немис тилини ўрганаётган талабаларнинг социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш методикаси талабаларнинг социолингвистик қобилиятни эгаллаш даражасининг ошишига, социолингвистик билимларининг сезиларли кенгайиши ва тизимлаштирилишига, улардаги профессионализм ва ижодий салоҳиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

ЗИЯЕВА СЕВАРА АНВАРОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ
КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ ЯЗЫКОВЫХ ВЫСШИХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ
НЕМЕЦКОМУ ЯЗЫКУ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (немецкий язык)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.Dsc/Ped44

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uswlu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Ахмедова Лайло Толибжоновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Умарходжаев Мухторхужа Ишанходжаевич доктор филологических наук, профессор Йулдашев Козокбой Бойбекович доктор педагогических наук, профессор Асилова Гулшан Асадовна доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 при Узбекском государственном университете мировых языков по адресу: 100011, г.Ташкент, Учтепинский район, ул.Кичик Халка Йули, д.21. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (998 71) 230-12-91; e-mail: uzswlu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № __). Адрес: 100011, г.Ташкент, Учтепинский район, ул.Кичик Халка Йули, д.21. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (998 71) 230-12-91.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2020 г.)

Г.Х. Бакиева
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.фил.н., профессор

Х.Б.Самигова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.фил.н., доцент

Д.Р. Джуманова
И.о. председателя Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней,
д.фил.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В эпоху глобализации научная и практическая значимость подготовки высококвалифицированных, профессионально компетентных, эрудированных и инициативных кадров, предполагающей формирование, развитие и совершенствование способностей и качеств обучающихся эффективно решать личные, социальные и профессиональные задачи и активно участвовать в построении демократического общества, является непреложной. В методике преподавания иностранных языков в США, Англии, Германии, Финляндии, Чехии, Южной Кореи, России и др. государств социолингвистическая компетенция признается одним из составляющих компонентов иноязычной коммуникативной компетенции обучающихся, направленным на формирование и развитие их знаний, навыков и умений осуществлять выбор языковых средств адекватно условиям коммуникативного акта, в соответствии с социально-коммуникативным контекстом.

В мировой теории и практике обучения иностранным языкам понятие коммуникативной компетентности в целом и социолингвистической компетенции в частности в системе современного образования становится особенно злободневным в связи с интенсивным развитием информационных технологий и коренными преобразованиями в сфере экономической деятельности и повседневной жизни людей и предполагает учет социолингвистических факторов в речевом поведении коммуникантов. В совершенствовании социолингвистической компетенции у студентов языковых вузов при обучении немецкому языку особую востребованность приобретают разработка и внедрение в учебный процесс новой типологии учебно-языковых заданий, нацеленных на раскрытие способностей обучающихся распознавать социолингвистические индикаторы речи и строить речевое поведение в соответствии с социальным контекстом общения.

В Республике Узбекистан в рамках «стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»²⁶ как одной из основных задач развития сферы образования и науки, обозначенных в «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах», подготовке «высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»²⁷ уделяется особое внимание. Ввиду этого данная работа посвящена научно-теоретическому обоснованию и разработке методики совершенствования социолингвистической компетенции у студентов языковых вузов Республики Узбекистан при обучении немецкому

²⁶ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах. – Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

²⁷ Там же.

языку в условиях социально-прагматического и национально-культурного своеобразия вербальной коммуникации. Актуальность темы диссертационного исследования определяется малоразработанностью проблем теории и практики социолингвистической коммуникации в аспекте обучения студентов иностранным языкам в целом и немецкому языку в частности, неизученностью их с позиций сходств и различий социолингвистических положений в странах обучаемого (немецкого) и родного (местных) языков, а также необходимостью подготовки профессионально компетентных кадров, обладающих способностью социальной ответственности и качествами самореализации в создании социально значимых продуктов.

Диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №№ ПП-1875 и ПП-1971, УП-4947 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, «О мерах по совершенствованию деятельности Узбекского государственного университета мировых языков» от 23 мая 2013 года, «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года; ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года; ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года; УП №-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года; Постановлениях Кабинета Министров №№ 124, 187, 610 «Об утверждении Государственного образовательного стандарта по иностранным языкам системы непрерывного образования» от 8 мая 2013 года; «Об утверждении государственных стандартов по общеобразовательным предметам» от 6 апреля 2017 года; «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях» от 11 августа 2017 года; «О совершенствовании системы целевой подготовки научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации» от 19 июля 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в сфере образования.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике – 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования, направленные на изучение проблем обучения социолингвистической компетенции студентов, осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: University of Pennsylvania (США), Monterey Institute (США), Yale University

(США), Oxford University (Англия), The English language center (Англия), Leipziger Schule (Германия), Johannes Gutenberg-Universität Mainz (Германия), The University Of Eastern Finland (Финляндия), Пражской школе функциональной лингвистики (Чехия), Sogang University (Корея), Европейском университете Санкт-Петербурга (Россия), Московской школе функциональной социолингвистики (Россия), Пермской школе социолингвистики (Россия), Узбекском государственном университете мировых языков (Узбекистан) и др.

В результате исследований, проведенных по изучению проблем обучения социолингвистической компетенции студентов, получены научные результаты, в том числе: изучена обусловленность правильного восприятия изменений в структуре языка знанием сведений о языковом сообществе (University of Pennsylvania), разработаны основы динамической коммуникации, детерминированной социальными условиями служащей общественным целям (Monterey Institute); создана теоретическая и методологическая база инновационных педагогических и информационно-компьютерных технологий (Yale University), выявлены особенности социально-регионального развития языка и его связи с языковой культурой (Oxford University), исследована образовательная роль аутентичной среды (The English language center), разработана методика лингвистической географии (Leipziger Schule), исследовано влияние ситуации языкового контакта на развитие языка (Johannes Gutenberg-Universität Mainz), раскрыты особенности формирования коммуникативной компетенции учителей (The University Of Eastern Finland), определен подход к изучению языка как полифункционального образования (Пражская школа функциональной лингвистики), заложены основы кросс-культурного подхода к обучению (Sogang University), разработан курс по вариационной социолингвистике (Европейский университет Санкт-Петербурга), раскрыт механизм языковой социализации личности (Московская школа функциональной социолингвистики), обоснованы положения социальной диалектологии (Пермская школа социолингвистики).

В мировом языкознании по изучению проблем обучения социолингвистической компетенции студентов проводится ряд научных исследований по следующим приоритетным направлениям: разработка механизмов формирования социолингвистической компетенции студентов на изучаемом иностранном языке; совершенствование механизмов повышения социолингвистической подготовки обучающихся; разработка теоретико-методологических основ применения инновационных педагогических и информационно-компьютерных технологий в процессе обучения социолингвистической компетенции.

Степень изученности проблемы. Проблемы формирования, развития и совершенствования социолингвистической компетенции освещены в трудах М. Кэнейла и М. Свейна, С. Савиньона, Ю.А. Синицы, Ю.В. Манухиной, И.А. Исенко, Н.А. Беленюк, Л.Ф. Зуевой, Т.И. Густомясовой, В.Е. Лапиной, Е.С. Нечаевой, Ю.Л. Пучковой, О.С. Бобриковой, К.Дж. Рискуловой и др.

Немногочисленные исследования социолингвистического компонента коммуникативной компетенции характеризуются двояким подходом к определению его статуса: как автономного компонента коммуникативной компетенции²⁸ или же как компонента социокультурной компетенции, являющейся составной частью коммуникативной компетенции²⁹.

Социолингвистическая компетенция как лингвометодическая проблема представлена в работах преимущественно жанра кандидатской диссертации в аспектах процесса возникновения, развития и современной интерпретации социолингвистической компетенции, ее сущности, компонентного состава, ее места в структуре коммуникативной компетенции.

В частности, в работе Ю.А. Сеницы³⁰ представлена проблема формирования социолингвистической компетенции у студентов неязыковых вузов в процессе обучения иноязычному общению. В работе Л.Ф. Зуевой³¹ освещены вопросы формирования социолингвистической компетенции в вузе физической культуры. В работе Н.А. Беленюк³² раскрываются особенности формирования социолингвистической компетенции студентов младших курсов технического вуза в процессе обучения устному общению на английском языке. К.Дж. Рискулова³³ исследует пути совершенствования системы формирования социолингвистической компетенции будущих учителей английского языка. И.А. Исенко³⁴ разрабатывает методику формирования социолингвистической компетенции в устном иноязычном

²⁸ Canale M., Swain M. Указ. соч.; Savignon S. Указ. соч.; Widdowson H.G. Context, Community and Authentic Language. // TESOL Quarterly, Vol. 32, № 4, 1998. – P. 705-716; Сеница Ю.А. Указ. соч.; Манухина Ю.В. Указ. соч.; Овчинникова М.Ф. Указ. соч.; Горина Н.С. К вопросу о сущности социолингвистической компетенции. // Теория и практика общественного развития, № 2, 2012. – С. 157-159; и др.

²⁹ Сафонова В.В. Социокультурный подход к обучению иностранному языку как специальности: Дисс. ...докт. пед. наук. – М., 1992. – 528 с.; [Сафонова, 1992; Воробьев В.В. Лингвокультурология (Теория и методы). – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дисс. ...докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 52 с.; Бим И.Л. Модернизация структуры и содержания школьного языкового образования (ИЯ) // Иностранные языки в школе, № 8, 2005. – С. 4-6.; Дагбаева Н.Ж., Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистической компетенции на начальном этапе языкового вуза. // Вестник науки ТГУ, № 1 (8), 2012. – С. 103-105; Зайцева С.В. Исследование методики формирования социолингвистического компонента коммуникативной компетенции при обучении английскому языку студентов неязыковых вузов. // Вестник Московской международной академии, 2012. – С. 21-28; Захарова К.А. Комплекс методических средств для формирования социолингвистической компетенции бакалавров. // Известия ВГПУ, № 9 (122), 2017. – С. 11-14; и др.

